

“ТАСДИКЛАЙМАН”

“ ____ ” “ _____ ” 2025 йил

_____ **Чорвачилик фаолиятини ривожлантириш**
учун чорва моллари сотиб олишга тузилган

БИЗНЕС РЕЖА

Умумий лойиха қиймати
Ўз ҳисобидан
Кредит суммаси
Кредит муддати
Имтиёзли даври
Кредит фоизи

150 000 000 сўм
50 000 000 сўм
100 000 000 сўм
73 (етмиш уч) ой
24 (йигирма тўрт) ой
20 фоиз



М У Н Д А Р И Ж А :

1. Лойиҳанинг қисқача мазмуни

- 1.1 Лойиҳанинг моҳияти
- 1.2 Лойиҳанинг мақсади
- 1.3 Лойиҳанинг тахминий муддатлари
- 1.4 Лойиҳанинг қиймати
- 1.5 Лойиҳа ташаббускори

2. Маҳсулот тавсифи.

- 2.1 Хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкиллаштириш имкониятлари
- 2.3 Асосий истеъмолчилар

3. Бозор ва соҳани таҳлил қилиш

- 3.1 Бозорнинг умумий тавсифи. Соҳадаги ҳозирги ҳолат.
- 3.2 Истеъмол бозорини сегментация қилиш.
- 3.3 Хизмат кўрсатиш каналлари.

4. Маркетинг режаси

- 4.1 Керакли маркетинг манбаалари (материаллар)

5. Шахсий таркиби

- 5.1 Ташкилий тузилма

6. Молиявий режа

- 6.1 Ҳисоб-китоблар учун тахмин
- 6.2 Хизмат кўрсатиш режаси (даромад)
- 6.3 Солиқ тўловлари (Тах)
- 6.4 Пул оқими режаси (Cash Flow)
- 6.5 Кредитни қайтариш жадвали
- 6.6 Лойиҳанинг самарадорлик кўрсаткичлари

7. Кредит маблағларининг қайтариш графиги

8. Молиявий режа бўйича хулосалар. Самарадорлик белгиси.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ
ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА
[Кўчирма]**

2025 йил 7 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодий фаоллигини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадлар

1. 2025 йилда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгилансин:

- (а) 2 миллион нафар хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш;
- (б) 250 минг нафар хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш;
- (в) 250 минг нафар хотин-қизларни олий таълим билан камраб олиш;
- (г) 50 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қизларни санаторийларда соғломлаштириш ҳамда уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича мотивацион семинарлар ташкил этиш.

II. Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш

2. Белгилансинки, «HAMRON» тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида 2025 йил 1 майдан бошлаб:

(а) хотин-қизларга «яшил лойиҳалар» ва IT соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишига, шунингдек, камида 5 нафар хотин-қизнинг тадбиркорлигини йўлга қўйишга кўмаклашган 1 минг нафар «устоз» тадбиркорларга 50 миллион сўмгача грант ажратиш йўлга қўйилади. Бунда грант маблағлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 ноябрдаги ПҚ-385-сон қарорининг 8-бандида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан ажратилади;

(б) ижобий кредит тарихига эга бўлган хотин-қизларга 100 млн сўмгача гаровсиз кредит ажратилади;

(в) аёл тадбиркорлар томонидан кредит ҳисобидан сотиб олинаётган асбоб-ускуналар етказиб берилгунга қадар «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ томонидан кафиллик тақдим этилиши йўлга қўйилади.

3. АТ «Халқ банки» Савдо-саноат палатаси билан биргаликда «Лойиҳалар фабрикаси» платформаси негизида қуйидаги имкониятларга эга «Тадбиркор аёллар» платформасини 2025 йил 1 июлга қадар ишга туширсин:

- (а) аёл тадбиркорларга хомашё сотиб олишга кўмаклашиш;
- (б) ўзаро кооперацияни кенгайтириш ва маҳсулотларни сотиш учун бозор топиш;
- (в) зарур мутахассисларни излаш ва ишга қабул қилиш;
- (г) лойиҳалар доирасида юзага келаётган муаммоларини аниқлаш ва уларга ечим топиш.

4. АТ «Халқ банки» уч ой муддатда «Тадбиркор аёллар» платформаси орқали тижорат банклари, Солиқ қўмитаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Миллий статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ўзаро ахборот алмашинувини йўлга қўйсин.

5. Савдо-саноат палатаси 2025 йил 1 майдан бошлаб қуйидагиларни назарда

тутувчи «Хамкор тадбиркор» дастурини йўлга қўйсин:

(а) ўз бизнесини ташкил этмоқчи бўлган хотин-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш;

(б) кооперация асосида хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашиш;

(в) маҳаллий ва халқаро электрон платформаларда хотин-қизларга ўз маҳсулотларини жойлаштириш ва сотишга кўмаклашиш.

6. Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда 2025 йил 1 августга қадар Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш йўналишида молиявий хизматлар кўрсатиш стратегиясини тасдиқласин. Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

(а) тижорат банкларида хотин-қизлар учун янгича ёндашувлар асосида замонавий молиявий хизматларни йўлга қўйиш;

(б) ҳомиладорлик ва туғиш таътилини олган аёллар учун банк кредитлари бўйича тўловлар муддатини 10 ойгача узайтириш.

7. Савдо-саноат палатасининг [1-иловага](#) мувофиқ таркибда қуйидаги вазифаларни амалга оширувчи етакчи ишбилармон аёллардан иборат Тадбиркор аёллар кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

(а) мунтазам равишда ҳудудларга чиқиб, тадбиркор хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(б) тадбиркор аёлларнинг илғор тажрибаларини бошқа ҳудудларда оммалаштиришга кўмаклашиш;

(в) аввал тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширган хотин-қизлар билан манзилли ишлаб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва бизнес ғояларини амалга оширишга кўмаклашиш;

(г) тизимли муаммоларни ҳал қилиш юзасидан Ҳукумат ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига таклифлар киритиб бориш.

8. Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг қуйидагиларни назарда тутувчи яхлит тизими жорий этилсин:

(а) «Бизнесга илк қадам» йўналишида — Савдо-саноат палатаси (Н. Шотурсунова) томонидан бизнес кўникмасига эга бўлмаган ташаббускор хотин-қизларни аниқлаш ва уларни тадбиркорлик асосларига ўқитиш;

(б) «Бизнесни йўлга қўйиш» йўналишида — АТ «Халқ банки» (Г. Рашидова) ва бошқа тижорат банклари томонидан ўзини ўзи банд қилган хотин-қизларга кичик тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш;

(в) «Бизнесни кенгайтириш» йўналишида — «Ҳамроҳ» хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш компанияси» масъулияти чекланган жамияти (Д. Нурматова) томонидан бизнес-режалар ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва бозор топиш кўникмаларига ўргатиш орқали кичик корхоналар фаолиятини кенгайтириш;

(г) «Бизнесни юксалтириш» йўналишида — Савдо-саноат палатаси (Д. Ваҳобов) томонидан «Чемпион тадбиркорлар» дастури доирасида 50 нафар энг фаол аёл тадбиркорлар билан манзилли ишлаб, уларнинг йиллик айланмасини камида 100 миллиард сўмгача олиб чиқишга кўмаклашиш.

9. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров икки ҳафта муддатда ҳудудлар ва тижорат банклари кесимида 2025 йилда хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича мақсадли

кўрсаткичларни тасдиқласин.

III. Хотин-қизларни ижтимоий ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш

10. Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси (Қ. Рафиқов, З. Махкамова) ҳар йили «Аёллар дафтари»га киритилган ва эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 50 минг нафарини Тошкент вилоятидаги дам олиш масканларига юбориб, уларга психологик ёрдам кўрсатиш ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича мотивацион семинарлар ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳомийлик маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ушбу тадбирларни молиялаштириш чораларини кўриб борсин.

Олдинги таҳрирга қаранг.

11. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М. Оллоёров) Султон Саодат ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 августга қадар аҳолининг уй-жойга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини уй-жой билан таъминлаш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

(11-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 майдаги ПФ-84-сонли Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.05.2025 й., 06/25/84/0432-сон)

12. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида рақамлаштириш, касбий таълим соҳасида замонавий ёндашувларни жорий қилиш ҳамда инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилсин.

13. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бир ой муддатда вазирлик фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация ечимларини жорий қилиш, аҳолини, шу жумладан, аёлларни замонавий касбларга ўқитиш ҳамда юқори даромадли меҳнатга жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

14. 2025 йилда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилишнинг мақсадли кўрсаткичлари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

15. Мазкур қарорнинг мақсадларига эришиш доирасида қуйидагилар масъул этиб белгилансин:

(а) Марказий банк (Т. Ишметов) ва тижорат банклари 1 миллион 300 минг нафар хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этишга;

(б) Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси (Қ. Рафиқов) 636 минг нафар «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни даромадли меҳнат билан таъминлашга;

(в) Оила ва хотин-қизлар кўмитаси (З. Махкамова) хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида 100 минг нафар хотин-қизларни ўқитиш, иш билан таъминлаш ва уларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун кўмаклашишга;

(г) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов), Савдо-саноат палатаси (Д. Ваҳобов) 250 минг нафар хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитишга.

16. Мазкур қарор доирасида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва

тадбиркорликка жалб қилиш бўйича ишларнинг натижадорлиги устидан назорат Бош прокурор ўринбосари Д.С. Касимовга юклансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* 4-илова берилмайди.

18. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Қарор ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент ш.,

Ш. МИРЗИЁЕВ

2025 йил 14 март,
ПҚ-103-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 мартдаги ПҚ-103-сон [қарорига](#)
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тадбиркор аёллар
кенгашининг
ТАРКИБИ**

- | | |
|--|---|
| 1. Давлетова Нозимахон
Элдаровна | — Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрациясининг Ташқи алоқалар департаменти
Ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий ҳамкорликни
кенгайтиришни ахборот-таҳлилий таъминлаш бошқармаси
бошлиғи, <i>Кенгаш раиси</i> |
| 2. Шотурсунова Нодира
Носировна | — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси
ўринбосари, <i>Кенгаш раиси ўринбосари</i> |
| 3. Нурматова Дилфуза | — «Ҳамроҳ» хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-
қувватлаш компанияси» масъулияти чекланган
жамияти бош директори, Кенгаш раиси ўринбосари |
| 4. Цимерман Алина
Владимировна | — «Test Center Baho» ОК таъсисчиси |
| 5. Ташмухамедова Дилноза
Равшановна | — «Kids Plate Distrubition» ОК таъсисчиси |
| 6. Гозиева Дильноза
Ахмаджановна | — «Orient Group Management» ОК таъсисчиси |
| 7. Вахидова Нодира | — «Business-Woman» тадбиркор аёллар мактаби таъсисчиси |
| 8. Муминова Зебохон
Рихсибаевна | — «Nova school» хусусий мактаби таъсисчиси |
| 9. Касимбаева Мадина
Анваровна | — Хунарманд |
| 10. Ахмадалиева Нодира
Қахрамоновна | — «GOLD GROWN PHARMA» ОК таъсисчиси |
| 11. Бурханова Сабина
Фахритдиновна | — Хунарманд |
| 12. Хайтбаева Дилдора
Бахрамовна | — «KAMRON GOLD MEDIYA» ОК таъсисчиси |
| 13. Ниязова Марям
Кадировна | — «KUMUSH TOLA» ХК таъсисчиси |
| 14. Ибрагимова Робия
Шавкатовна | — «RS SUCCESS AGRO» МЧЖ таъсисчиси |
| 15. Аминова Наргиза
Толибовна | — «NARIMTEKS» ОК таъсисчиси |
| 16. Холикова Гулираъно
Юлчибой қизи | — «Холиқов Йўлчибой» фермер хўжалиги раҳбари |
| 17. Бекмуратова Наргиза
Улуғбековна | — «ARTATEX» ОК директори |
| 18. Қурбонова Нодира
Абдухалимовна | — «YARATOV ILXOM ALXAMOVICH» фермер хўжалиги
таъсисчиси |
| 19. Каримова Шахноза
Яндашовна | — «BARAKA NON NAVOIY» ОК таъсисчиси |
| 20. Хусанова Латофат
Нуруллаевна | — «CHADOS-2009» ОК таъсисчиси |
| 21. Добрих Анна
Константиновна | — «Iftihor Kiyim Sanoat» ОК директори |
| 22. Холикова Феруза | — «FERUZA HUNAR MARKAZI» ОК таъсисчиси |

- | | |
|--|---|
| 23. Якубова Мархабо
Умаржановна | — «JIZZAX BEK-STAR» ОК таъсисчиси |
| 24. Курбонова Тамилла | — молиявий маслаҳатчи, тренер |
| 27. Рашидова Гулзода
Атахановна | — АТ «Халқ банки» бошқаруви раиси ўринбосари, <i>Кенгаш
эксперти</i> |
| 26. Ибрагимова Шахло
Алимбаевна | — АТБ «Микрокредитбанк» бошқаруви раиси
ўринбосари, <i>Кенгаш эксперти</i> |
| 27. Нормохматова Гузал
Файзуллаевна | — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси бошқарма
бошлиғи, <i>Кенгаш котиби</i> |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 мартдаги ПҚ-103-сон қарорига
2-ИЛОВА

2025 йилда аҳолини, шу жумладан хотин-қизларни даромадли меҳнат билан
таъминлашнинг
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Худуд номи/жами бандлиги таъминланадиганлар сони		шундан хотин-қизлар	Шу жумладан соҳалар кесимида:							
				Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги		Марказий банк, тижорат банклари		Ўзбекистон фермерлари кенгаши		Султон Саодат ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	
				жами	шундан хотин-қизлар	жами	шундан хотин-қизлар	жами	шундан хотин-қизлар	жами	шундан хотин-қизлар
	ЖАМИ	5 196 846	2 050 934	289 758	63 816	3 570 000	1 299 264	1 168 555	678 260	168 533	9 594
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	125 831	46 822	9 892	2 077	86 383	31 301	23 931	13 162	5 625	281
2.	Андижон вилояти	305 040	116 410	26 340	6 058	209 420	76 746	58 897	32 982	10 383	623
3.	Бухоро вилояти	214 611	83 931	14 571	3 351	147 339	54 602	44 576	25 408	8 125	569
4.	Жиззах вилояти	168 120	61 937	17 285	3 630	115 423	42 061	27 462	15 928	7 950	318
5.	Қашқадарё вилояти	400 000	206 855	14 250	2 993	82 076	30 544	292 639	172 657	11 035	662
6.	Навоий вилояти	140 000	54 626	9 220	2 028	96 116	34 432	29 697	17 818	4 967	348
7.	Наманган вилояти	323 447	112 076	33 979	7 136	210 000	76 290	49 355	27 145	30 113	1 506
8.	Самарқанд вилояти	320 000	122 399	23 804	5 475	221 310	80 192	64 265	35 988	10 621	743
9.	Сурхондарё вилояти	375 000	162 291	14 694	3 233	210 000	77 620	142 313	81 118	7 993	320
10.	Сирдарё вилояти	148 702	59 327	16 347	3 433	90 000	33 400	38 371	22 255	3 984	239
11.	Тошкент вилояти	412 260	194 662	22 455	5 165	150 000	55 125	226 127	133 415	13 678	957
12.	Фарғона вилояти	446 846	177 367	43 954	9 670	270 000	99 675	111 596	66 958	21 296	1 065
13.	Хоразм вилояти	265 000	101 594	15 716	3 300	181 933	65 175	56 342	32 678	11 009	440
14.	Тошкент шаҳри	1 551 989	550 637	27 251	6 268	1 500 000	542 100	2 984	746	21 754	1 523

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 мартдаги ПҚ-103-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан 2025 йилда хотин-қизлар бандлигини
таъминлашнинг
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Банклар номи	Аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш прогнози	шундан хотин-қизлар*
	ЖАМИ	3 570 000	1 299 264
1.	«Ўзмиллийбанк» АЖ	548 829	200 163
2.	«Агробанк» АТБ	393 794	143 621
3.	«ЎзсаноатСултон Саодатбанк» АТБ	445 139	162 347
4.	АТ «Халқ банки»	410 240	149 620
5.	«Микрокредитбанк» АТБ	296 188	108 017
6.	«Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ	257 936	94 070
7.	«Асакабанк» АЖ	225 746	82 249
8.	«Турон банк» АТБ	204 533	74 577
9.	АТ «Алоқабанк»	159 767	58 228
10.	Бошқа банклар	627 828	226 372

* «Микрокредитбанк» АТБ паррандачилик (160 минг нафар), «Туронбанк» АТБ лимончилик (150 минг нафар), АТ «Алоқабанк» асаларичилик (17,5 минг нафар) йўналишларида жами 327,5 минг нафар аёлларни даромадли меҳнат билан банд қилади.

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.03.2025 й., 07/25/103/0244-сон; 12.05.2025 й., 06/25/84/0432-сон)

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**
Тошкент ш.,

Ш. МИРЗИЁЕВ

2025 йил 14 март,
ПҚ-103-сон

2. КРЕДИТ ОЛУВЧИ ВА ЛОЙИҲА ТАШАББУСКОРИ

Лойиҳа ташаббускори бўлиб, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги **ЯТТ NAZAROVA SARVINOZ ABDULLA qizi** ҳисобланади.

Тадбиркор томонидан **ЯТТ NAZAROVA SARVINOZ ABDULLA qizi** Термиз шаҳри Давлат хизматлари маркази томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган.

№	Кўрсаткичлар номи	Мазмуни
1	Кредит олувчи номи	ЯТТ Nazarova Sarvinoz Abdulla qizi
2	Ҳозирги кундаги асосий фаолияти	Чорвачиликни ривожлантириш
3	Ташкилий ҳуқуқий шакли	Якка тартибдаги тадбиркор
3.1.	Таъсисчи	Nazarova Sarvinoz Abdulla qizi – 100%
4	Давлат рўйхатидан ўтган сана	11.11.2025 йил
5	Гувоҳнома рақами	№ 2283951
6	Манзили	Термиз шаҳри, “Кокилдор ота” МФЙ, Султон Саодат кўчаси 5-В-уй
7	Хизмат кўрсатувчи банк номи	Бизнесни ривожлантириш банки Термиз БХО
8	Ҳисоб рақами	
9	МФО	11114
10	СТИР	60305036300088
11	Телефон рақами	+ 99894-018-28-88
12	Раҳбари	Nazarova Sarvinoz Abdulla qizi
13	Кредит олиш суммаси	100 000 000,0 сўм
14	Мақсади	Чорвачиликни ривожлантириш учун чорва моллари сотиб олиш
15	Лойиҳани амалга ошириш манзили	Термиз шаҳри, “Кокилдор ота” МФЙ, Султон Саодат кўчаси 5-В-уй

Лойиҳани амалга ошириш орқали тадбиркорни молиявий-иқтисодий фаолияти мустаҳкамланади, ички бозорни сифатли ва арзон рақобатбон маҳсулотлар билан тўлдиради, ҳудудда янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

ЛОЙИҲАНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Лойиҳанинг моҳияти

Ушбу лойиҳанинг Бизнес режа тайёрлаш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятида хусусан, аҳолига чорвачиликни ривожлантириш йўналишини қамров тизимининг йўлга қўйилганлиги ва соҳадаги хизматлар бозори таҳлили ўтказилди. Ушбу лойиҳанинг Бизнес режасини тузишда биз очиқ манбаалардан олинган маълумотлардан ва ходимларимиз томонидан олиб борилган хусусий ва давлат секторидаги бозорлар ва савдо дўконлари томонидан қўй гўшти ва мол гўшти етиштириш ҳамда пуллик хизматлар кўрсатиш ва гўшт етиштириш бозорини ўрганиш натижаларидан фойдаландик. Ҳозирги кунда аҳолининг истеъмолга бўлган эҳтиёжлари ва уларга кўрсатиладиган хизматларга бўлган талаб тўла қондирилмаябди.

Ушбу лойиҳа **ЯТТ Nazarova Sarvinoz Abdulla qizi** томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-385-сонли ва ПҚ-103-сонли Қарори билан тасдиқланган Дастурда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

ЛОЙИҲАНИНГ МАҚСАДИ

Лойиҳанинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли мақсадлари

ЯТТ Nazarova Sarvinoz Abdulla qizi томонидан гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳолига сифатли гўшт маҳсулотлари етиштириб беришни мунтазам тизимли равишда амалга оширишни яратиш учун қарз маблағларини жалб қилишни режалаштирмоқда. Лойиҳа муаллифларининг фикрига кўра, **Nazarova Sarvinoz Abdulla qizi** муттасил сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун Термиз шаҳри, “Кокилдор ота” МФЙда жойлашган ўзига қарашли бинода тадбиркорликни ривожлантириш ишсизлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг доимий даромад манбаини ошириш тизимини яратишни режалаштирган.

Ушбу таклиф этаётган лойиҳамиз мақсади етарли шароитларда Термиз шаҳри, “Кокилдор ота” маҳалласидаги доимий ишловчи **2 нафар** иш ўрни яратиш мақсадида гўшт етиштириш ва сифатли маҳсулот етказиб бериш фаолияти учун тайёрланган маҳсулотларни чакана ва улгуржи нархларда сотиб, мавжуд ўзига тегишли бинода доимий **2 нафар** ишчи ўрни билан таъминлаш ва чорвачилик фаолияти билан шуғулланишдан иборат.


Ана шу мақсадда биз **73 ой** муддатгача **100 000 000** сўм миқдорида кредит сўрамоқдамиз. Олинган кредит эвазига томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш

мақсадида аҳоли ва тадбиркорларга сифатли гўшт етказиб бериш, гўшт маҳсулотлари етиштириш учун зотдор ҳисори қўйларни сотиб олишдан иборат.

Кредит ҳисобига олинадиган зарур маҳсулотлар

№	Олинадиган дастгоҳлар	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Чорва моллари (001020010020000000 - Тирик қўйлар) сотиб олиш учун	Сони	20	5 000 000,0	100 000 000
	Жами		х	х	100 000 000

Агарда сотиб олинадиган маҳсулотлар нархи ўзгарганда кредитдан ташқари етмай қолган қисми учун тўловлар **Nazarova Sarvinoz Abdulla qizining** ўз маблағлари ҳисобига қопланади.



ЛОЙИХАНИНГ БОЗОР ШАРОИТИДАГИ ТАҲЛИЛИ.

Ҳозирги кунда барчамизга маълумки, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва чорвачилик фаолятини ривожлантириш ва аҳолига гўшт етказиб бериш учун аҳолига замонавий сифатли хизмат кўрсатиш нархларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунинг учун, биз асосан ишлаб чиқарадиган маҳсулотларимиз ва хизмат кўрсатиш билан бошқа рақобат қилаётган корхоналарга нисбатан арзонроқ нархларда бўлишини амалга оширишни режалаштирмоқдамиз.

Мазкур лойиҳамизнинг молиявий режаларини тузишда нарх-наволарнинг ўзгариши, танланган нархларнинг энг оз даражалари ҳисобга олинган.

Молиялаштириш бошланиши Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг бошланиши		2025 йил ноябрь 2025 йил декабрь		
№	Инвестиция	Лойиҳанинг умумий қиймати	Ўз маблағи ҳисобидан	Тижорат банк ресурслари ҳисобидан
1	Ўз маблағи ҳисобидан	50 000 000	50 000 000	0
2	Тижорат банки ресурслари ҳисобидан	100 000 000	0	100 000 000
3	Жами	150 000 000	100 000 000	100 000 000
	Фоиз	100,0%	33,3%	66,7%

Бир йиллик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва савдо, хизматлар кўрсатишнинг ўртача режаси

№	Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Суммаси	Бир йиллик суммаси
1	Гўшт етиштириш ва сотиш	Кг	1895	115 000	217 925 000
	ЖАМИ		1 895	115 000	217 925 000

Хизматлар кўрсатиш жараёнида асосий воситалар учун ҳисобланадиган амортизация ажратмалари

2.1-жадвал

№	Харажатлар номи	Ўлчов бирлиги	Асосий воситалар қиймати	Амортизация фоизи	Бир ойда	Жами йиллик
1	Майда шохли моллар	Сўмда	100 000 000,0	1	83 333	1 000 000
2	Ем хашак	Сўмда	50 000 000,0	1	41 667	500 000
х	Жами	Сўмда	150 000 000,0	х	125 000	1 500 000

Хизматлар кўрсатиш жараёнида сарфланадиган электр энергияси ва бошқа харажатлар

Харажатлар

Харажатлар номи	Ўлчов бирлиги	Нархи	Бир ойда ўртача истеъмол	Жами йиллик
Электроэнергия	кВт	900	85	918 000
Бошқа харажатлар	дона	2	65 000	1 560 000
Жами				2 478 000

ИШ ҲАҚИ БИЛАН БОҒЛИК ХАРАЖАТЛАР.

ЯТТ Nazarova Sarvinoz Abdulla qizi томонидан юқоридаги фаолиятини кенгайтириш эвазига доимий янги 2 нафар ишчи ўрни яратилади.

Лавозими	Сони	Ойлик маош	Бир ойлик иш ҳаққи фонди	Йиллик иш ҳаққи фонди
Ишчилар	2	1 200 000	2 400 000	28 800 000
ЖАМИ	2	1 200 000	2 400 000	28 800 000
<i>12 % ажратма</i>			288 000	3 456 000
Жами				32 256 000

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, **ЯТТ Nazarova Sarvinoz Abdulla qizi** томонидан ишининг бошланғич даврида янги 2 нафар ишчи ўрни яратилади ва бир ойлик иш ҳаққи фонди **2 688 000** сўмни ташкил этади.

Ҳисоблар учун сотилиш ҳамда хизмат кўрсатиш нархи, сарфланадиган хом ашёларга нисбатан маҳсулотлар ва хизматларнинг ўртача нархлари қабул қилинди.

ТАШКИЛИЙ РЕЖА.

Nazarova Sarvinoz Abdulla qizi ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш доимий равишда назоратда бўлади.

Тадбиркор томонидан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни кунлик назорат қилиб борилади.

Nazarova Sarvinoz Abdulla qizi томонидан аҳолига ва тадбиркорларга пул ўтказиш, нақд пул шаклида, ҳар хил турдаги чет давлатларда ишлаб чиқарилган замонавий терминал ва касса аппаратларида ҳисоб-китоб қилинади.

Бундан кредит муддати **73 ой** даврга бўлиниб, хизмат кўрсатиш ва пул тушумлари микдори амалга оширилади.

Чорвачилик ва гўшт маҳсулотлари сотишдан тушган тушумлар жамланиб, **Nazarova Sarvinoz Abdulla qizi**да қўшимча хизмат кўрсатишни ташкил етишга

сарфланади.

Кредит суммаси	100 000 000,0	сўм
Кредит мақсади	Чорва моллари сотиб олиш учун	
Муддати	73	ой
Фоиз ставкаси	20	фоиз
Имтиёзли даври	24	ой

№	Кредит суммаси	Асосий қарз суммаси	Фоиз тўлови	Ойлик тўлови	Қолдиқ
1	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
2	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
3	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
4	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
5	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
6	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
7	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
8	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
9	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
10	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
11	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
12	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
13	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
14	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
15	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
16	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
17	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
18	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
19	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
20	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
21	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
22	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
23	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
24	100 000 000,0	0	1 666 667,0	1 666 667,0	100 000 000,0
25	100 000 000,0	2 040 816,0	1 666 667,0	3 707 483,0	97 959 184,0
26	97 959 184,0	2 040 816,0	1 632 653,0	3 673 469,0	95 918 368,0
27	95 918 368,0	2 040 816,0	1 598 639,0	3 639 455,0	93 877 552,0
28	93 877 552,0	2 040 816,0	1 564 626,0	3 605 442,0	91 836 736,0
29	91 836 736,0	2 040 816,0	1 530 612,0	3 571 428,0	89 795 920,0
30	89 795 920,0	2 040 816,0	1 496 599,0	3 537 415,0	87 755 104,0
31	87 755 104,0	2 040 816,0	1 462 585,0	3 503 401,0	85 714 288,0
32	85 714 288,0	2 040 816,0	1 428 571,0	3 469 387,0	83 673 472,0
33	83 673 472,0	2 040 816,0	1 394 558,0	3 435 374,0	81 632 656,0
34	81 632 656,0	2 040 816,0	1 360 544,0	3 401 360,0	79 591 840,0
35	79 591 840,0	2 040 816,0	1 326 531,0	3 367 347,0	77 551 024,0
36	77 551 024,0	2 040 816,0	1 292 517,0	3 333 333,0	75 510 208,0
37	75 510 208,0	2 040 816,0	1 258 503,0	3 299 319,0	73 469 392,0

38	73 469 392,0	2 040 816,0	1 224 490,0	3 265 306,0	71 428 576,0
39	71 428 576,0	2 040 816,0	1 190 476,0	3 231 292,0	69 387 760,0
40	69 387 760,0	2 040 816,0	1 156 463,0	3 197 279,0	67 346 944,0
41	67 346 944,0	2 040 816,0	1 122 449,0	3 163 265,0	65 306 128,0
42	65 306 128,0	2 040 816,0	1 088 435,0	3 129 251,0	63 265 312,0
43	63 265 312,0	2 040 816,0	1 054 422,0	3 095 238,0	61 224 496,0
44	61 224 496,0	2 040 816,0	1 020 408,0	3 061 224,0	59 183 680,0
45	59 183 680,0	2 040 816,0	986 395,0	3 027 211,0	57 142 864,0
46	57 142 864,0	2 040 816,0	952 381,0	2 993 197,0	55 102 048,0
47	55 102 048,0	2 040 816,0	918 367,0	2 959 183,0	53 061 232,0
48	53 061 232,0	2 040 816,0	884 354,0	2 925 170,0	51 020 416,0
49	51 020 416,0	2 040 816,0	850 340,0	2 891 156,0	48 979 600,0
50	48 979 600,0	2 040 816,0	816 327,0	2 857 143,0	46 938 784,0
51	46 938 784,0	2 040 816,0	782 313,0	2 823 129,0	44 897 968,0
52	44 897 968,0	2 040 816,0	748 299,0	2 789 115,0	42 857 152,0
53	42 857 152,0	2 040 816,0	714 286,0	2 755 102,0	40 816 336,0
54	40 816 336,0	2 040 816,0	680 272,0	2 721 088,0	38 775 520,0
55	38 775 520,0	2 040 816,0	646 259,0	2 687 075,0	36 734 704,0
56	36 734 704,0	2 040 816,0	612 245,0	2 653 061,0	34 693 888,0
57	34 693 888,0	2 040 816,0	578 231,0	2 619 047,0	32 653 072,0
58	32 653 072,0	2 040 816,0	544 218,0	2 585 034,0	30 612 256,0
59	30 612 256,0	2 040 816,0	510 204,0	2 551 020,0	28 571 440,0
60	28 571 440,0	2 040 816,0	476 191,0	2 517 007,0	26 530 624,0
61	26 530 624,0	2 040 816,0	442 177,0	2 482 993,0	24 489 808,0
62	24 489 808,0	2 040 816,0	408 163,0	2 448 979,0	22 448 992,0
63	22 448 992,0	2 040 816,0	374 150,0	2 414 966,0	20 408 176,0
64	20 408 176,0	2 040 816,0	340 136,0	2 380 952,0	18 367 360,0
65	18 367 360,0	2 040 816,0	306 123,0	2 346 939,0	16 326 544,0
66	16 326 544,0	2 040 816,0	272 109,0	2 312 925,0	14 285 728,0
67	14 285 728,0	2 040 816,0	238 095,0	2 278 911,0	12 244 912,0
68	12 244 912,0	2 040 816,0	204 082,0	2 244 898,0	10 204 096,0
69	10 204 096,0	2 040 816,0	170 068,0	2 210 884,0	8 163 280,0
70	8 163 280,0	2 040 816,0	136 055,0	2 176 871,0	6 122 464,0
71	6 122 464,0	2 040 816,0	102 041,0	2 142 857,0	4 081 648,0
72	4 081 648,0	2 040 816,0	68 027,0	2 108 843,0	2 040 832,0
73	2 040 832,0	2 040 832,0	34 014,0	2 074 846,0	0,0
x	Жами	100 000 000	81 666 678	181 666 678	0,0

№	Тўлов тури	ЖАМИ	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	6-йил	7-йил
1	Кредитга ҳисобланган фоиз	81 666 678,0	20 000 004,0	20 000 004,0	17 755 102,0	12 857 143,0	7 959 185,0	3 061 226,0	34 014,0
2	Асосий қарз	100 000 000,0	0,0	0,0	24 489 792,0	24 489 792,0	24 489 792,0	24 489 792,0	2 040 832,0
	Жами тўлов	181 666 678,0	20 000 004,0	20 000 004,0	42 244 894,0	37 346 935,0	32 448 977,0	27 551 018,0	2 074 846,0

КУТИЛАДИГАН ДАРОМАД

№	Даромад тури	Ўлчов бирлиги	1-йил		2-йил		3-йил		4-йил		5-йил		6-йил		7-йил	
			миқ.	Суммаси	миқ.	Суммаси	миқ.	Суммаси	миқ.	Суммаси	миқ.	Суммаси	миқ.	Суммаси	миқ.	Суммаси
1	Гўшт етиштириш ва сотиш	кг	1895	217 925 000	2047	235 359 000	2211	254 187 720	2388	274 522 738	2579	296 484 557	2785	320 203 322	3 008	345 819 588
	Жами		1895	217 925 000	2047	235 359 000	2211	254 187 720	2388	274 522 738	2579	296 484 557	2785	320 203 322	3 008	345 819 588

ФОЙДА ВА ЗАРАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

(сўм)

№	Ўлчов бирлиги	1-йил	2- йил	3- йил	4- йил	5- йил	6- йил	Жами
1	Кутиладиган даромад	217 925 000	235 359 000	254 187 720	274 522 738	296 484 557	320 203 322	1 598 682 337
2	Кредитга ҳисобланган фоиз	20 000 004	20 000 004	17 755 102	12 857 143	7 959 185	3 061 226	81 632 664
3	Асосий қарз маълумот учун	0	0	24 489 792	24 489 792	24 489 792	24 489 792	97 959 168
4	Асосий воситалар учун ҳисобланадиган амортизация ажратмалари	1 375 000	1 500 000	1 500 000	1 500 000	1 500 000	1 500 000	8 875 000
5	Иш ҳақи харажатлари	32 256 000	35 481 600	39 029 760	42 932 736	47 226 010	51 948 611	248 874 717
6	Коммунал тўловлар	2 478 000	2 725 800	2 998 380	3 298 218	3 628 040	3 990 844	19 119 282
7	Маҳсулот сотиб олиш харажатлари ва солиқлар	43 585 000	47 071 800	50 837 544	54 904 548	59 296 911	64 040 664	319 736 467
8	Бошқа кўзда тутилмаган харажатлар	8 717 000	9 414 360	10 167 509	10 980 910	11 859 382	12 808 133	63 947 293
9	Соф фойда	109 513 996	119 165 436	107 409 633	123 559 391	140 525 237	158 364 052	758 537 746

NPV, IRR ҲИСОБИ (сум)

Давр	Пул оқими	Дисконт ставкаси (%)	NPV	IRR
0	-150,000,000	14		
1 йил	217925000,0	14	1,831,136,363.636	
2 йил	235359000,0	14	1,989,627,272.727	
3 йил	254187720,0	14	2,160,797,454.545	
4 йил	274522738,0	14	2,345,661,254.545	
5 йил	296484557,0	14	2,545,314,154.545	
6 йил	320203322,0	14	2,760,939,290.909	

ХУЛОСА

Мазкур бизнес режадаги ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, **Nazarova Sarvinoz Abdulla qizi**да олинган кредитдан самарали фойдаланиб, **73 ой** давомида олинган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаб, ҳар йилига ўртача **126 422 958** сўмдан, ҳар ойига ўртача **10 535 246** сўмдан соф фойдага эришади.

Соф жорий қиймат — NPV (ингл.net present value). Соф жорий қиймат кўрсаткичи лойиҳа амалга оширилиши натижасида компания бойлиги қанчага кўпайганини характерлайди. Соф жорий қийматга асосланган ҳолда инвестицияларни таҳлил қилиш усули қуйидаги иккита шартдан келиб чиқади:

- ҳар қандай компания ўз бойликларини оширишга ҳаракат қилади;
- ҳар хил вақтда сарфланган маблағлар бир хил қийматга эга бўлмайди. Соф жорий қиймат бу дисконтланган пул тушумлари билан (албатта инвестиция натижаларида вужудга келган) дисконтланган харажатларнинг фарқидир.

Айрим ҳолларда “узоқ” муддатли инвестиция сарф этилиб, узоқ муддат ичида пул тушумлари вужудга келади. Яъни пул оқими бирданига эмас, бир неча йилга чўзилади. Лойиҳаларнинг ҳаёт даври чекланмаган ҳолатларда ҳисоблашда Горден формуласидан фойдаланилади.

$$NPV = \frac{CF_1}{(k+q)} + I_0$$

$$NPV = CF_1/(k+q) - I_0$$
 шаклида ҳам ифодалашимиз мумкин Бу ерда: CF_1 - пул тушумлари; q -пул тушумларининг доимий ўсиш суръатлари; k -дисконт ставкаси; I_0 - бошланғич инвестиция суммаси

Биз бу ерда йиллик ўсиш суръатларини ўртача (q) 3 фоиз деб олсак,

$CF_t / (k + q) - I_0$ яъни, $NPV = 217\,925\,000 / (0,14 + 0,03) - 150\,000\,000,0 = 1\,831\,136\,363,6$ сўм.

Ушбу формула бўйича аниқланган сумма агар соф жорий қиймат (NPV) мусбат миқдорга эга бўлса бу лойиҳа учун қилинадиган инвестиция самаралидир.

Фараз қилайлик юқорида таҳлил қилинган лойиҳа тўла қувватда иш бошлагандан сўнг кейинги 3 (уч) йилда пул тушумлари кўрсаткичлари таҳлили жадвалига кўра: 1-йилда **217 925 000 сўм**, 2-йилда **235 359 000 сўм**, 6-йилда **320 203 322,0 сўм** тушумлар кўрсатилган ҳолатда йилига тушумлар йилига 3,0 фоизга ошиб борса, $NPV = 320\,203\,322 / (0,14 + 0,03) - 150\,000\,000,0 = 2\,760\,939\,290,9$ сўм.

Пул тушумлари йилига 3,0% га ошса ва 3-йил охирида 2 760 939 290,9 млрд. сўм пул тушумига эга бўлинса, бундай ҳолатда лойиҳани ишга тушириш фойдали бўлади.

Бизнинг ушбу лойиҳа бўйича оладиган соф фойдамиз фаолиятимизни кенгайтиришга, олинган фойдага қўшимча хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга туширилиб янги ишчи ўринлари яратиш ҳамда хайрия ишларига сарфлашни режалаштирмоқдамиз.

ЯТТ Nazarova Sarvinoz Abdulla qizi _____